



# 1-TO'PLAM MAQOLALAR TO'PLAMI



## ILM-FAN FIDOKORI

xalqaro ilmiy-amaliy  
ko'rik tanlovi

Farg'ona  
oktabr  
2022



## ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Қодирова Ферузахон Усмановна

ЧДПУ Махсус педагогика кафедраси мудири, п.ф.д. (DSC)

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг қатор моддаларида имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни жорий этиш меъёрлари белгилаб берилган. Жумладан, 9-моддаси: “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим” -13-хатбоши; 15-моддаси: “Таълим шакллари” нинг 4- ва 6-шакллар сифатида; 20-моддаси: “Инклюзив таълим” (тўлиқ шу ҳақда); 38-модда: “Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш”-3-хатбоши; 55-модда: “Жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахсларни) ўқитиш, тарбиялаш” (тўлиқ шу ҳақда). Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли фармонида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишларнинг самарали ечимлари назарда тутилган бўлса, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли фармонида таълим-тарбия жараёнига **индивидуаллаштириш** таъминлашнинг самаралилигини босқичма-босқич татбиқ этиш, ўқитиш методикаларини такомиллаштириш, имконияти чекланган болаларга таълим хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда мазкур тоифа ҳар бир боланинг **инклюзив таълим олишига** бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш каби вазифалар белгилаб берилди.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4860-сонли қарори мамлакатимиз таълим тизимида жаҳон стандартлари асосида ислохотларнинг мақсадли ҳамда манзилли олиб борилишини долзарб масала сифатида кўндаланг қўйди. Мазкур ҳужжат асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва реабилитациясини, таълим-тарбиясини такомиллаштириш, **инклюзив таълимни кенгайтириш** белгилаб берилган.

Ушбу қарор асосида 2020-2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини 2020-2021 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Унга асосан 2023-2025 йиллар давомида:

инклюзив таълим тизими босқичма-босқич бошқа умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилинади;

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ҳар бир боланинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади;

инклюзив таълимда ўқитиш усуллари такомиллаштирилади ҳамда таълим жараёнига индивидуаллаштириш тамойиллари босқичма-босқич жорий этилади;

инклюзив таълим жараёнида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишига қаратилган чоралар кўрилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида “жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган бола” ва “ногирон бола” тушунчаларига таъриф берилган. Ҳужжатда: “Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола – ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола”; “Ногирон бола – жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш



фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола” - каби изоҳлар келтирилган. Қонунга мувофиқ ногирон болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам ва билим олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланган бўлиб, тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси асосида ҳамда оналар хоҳиш-истагига кўра **умумтаълим (инклюзив тарзда)** ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Санаб ўтилган ҳар бир ҳужжат юртимизда барча болага сифатли таълимни таъминлаш каби ижтимоий-сиёсий вазифанинг ҳуқуқий-меъёрий асосини ташкил этади ҳамда ушбу таълим турида педагогларнинг фаолиятини методик, ташкилий, педагогик-психологик жиҳатдан тўғри ташкил этиш учун кадрлар тайёрлаш мазмуни шу муаммо доирасида модернизацияланишига эҳтиёж туғдирмоқда.

### **“Инклюзив таълим” бакалавриат таълим йўналиши**

#### **мутахассислигини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари**

Мақсади: Ўзбекистон Республикаси таълим сиёсатининг ҳар бир бола учун сифатли таълим ташкил этиш, соғлом болалар қаторида имконияти чекланган болаларни ўз оиласида, яшаш манзилига яқин ҳудудда умумий-инклюзив тарзда таълимга қамраб олиш устувор йўналишида белгиланган вазифаларни тизимли, манзилли, мақсадли амалга ошириш.

“Инклюзив таълим” йўналиши ўз мазмуни, моҳияти, ташкилий-педагогик хусусиятига эга таълим йўналиши ҳисобланади ва қатор **вазифаларга эга:**

- мактабгача таълим, умумий ўрта таълим шароитида соғлом болалар билан бирга таълимга жалб этилган имконияти чекланган болалар ва ўқувчилар билан ишлайдиган педагог кадрларни тайёрлаш;



- инклюзив таълим шароитида болалар ва ўқувчилар фаолиятини самарали ташкил этишга мактабгача таълим тарбиячилари ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш;

- умумтаълим мактаблари бошланғич инклюзив синфларида ўқитиладиган ўқув фанлари методикаси билан бўлажак мутахассисларни қуроллантириш;

- инклюзив таълим мактабларини мақсадли тайёрланган кадрлар билан таъминлаш.

### **“Инклюзив таълим педагоги” бакалавриат таълим йўналиши мутахассислигини ташкил этишнинг зарурияти ва аҳамияти**

2025 йилга қадар республикамізда мавжуд 10 мингдан зиёд мактабларнинг 50%ида инклюзив синфлар очилиши белгилаб берилган. Бу жараёнга кадрларни тайёрлашнинг қайта тайёрлаш ҳамда ОТМ да йўналиш очиш шакллари орқали кадрлар сиёсати вазифалари ечим топади.

#### **Шунинг учун агар йўналиш очилса, ушбу кадр:**

-мактабгача таълим ташкилотида тарбиячилик қилиш ҳамда таълимга камраб олинган ногирон бола билан ишлаш учун ташкилот мутахассисга эҳтиёж сезмайди, яъни мазкур тарбиячи ишлайдиган гуруҳга тўғридан-тўғри имконияти чекланган бола қабул қилинади. Бу йўл “Инклюзив таълим педагоги” ни универсал кадр сифатида тайёрланишини кўзда туттади.

-бошланғич синфларда бевосита фанларни ўқитиш жараёнида инклюзив таълим педагоги алоҳида эҳтиёжли бола билан ишлашнинг вариатив йўллари ҳамда хусусий методикаларини билган ҳолда ОТМ ни тугатади. Мазкур кадр ҳам ўз дипломи билан ҳоҳлаган умумтаълим мактабида бошланғич синфда тўлиқ дарс бериш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли, агар



шу мактабга ногирон бола таълимга қабул қилинса, тўғридан тўғри шу педагог ишлайдиган синфга йўналтирилади. Санаб ўтилган вазифалар асосида ушбу йўналиш бўйича таълим жараёни Мактабгача таълим ва Бошланғич таълим, Махсус педагогиканинг фаолият йўналишлари бўйича ўқув режаларидаги модуллар оптималлашган ҳолда таълим ташкил этилади.



<b>ONA TILI DARSLARIDA TA'LIMiy O'YINLARNI TASHKILLASHTIRISH VA ULARDAN FOYDALANISH MOHIYATI</b> NOROV IXTIYOR ASHUROVICH	<b>329-332</b>
<b>TECHNOLOGY OF SEARCH ORGANIZATION IN VIRTUAL E-SHOPS WITH IMAGE DETECTION</b> SH.B.RAJABOV M.M. ABDULAKHATOV	<b>333-335</b>
<b>“MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA DIDAKTIK JARAYONLARNI TASHKIL QILISH</b> AVAZOVA MOHINUR TOHIROVNA	<b>336-342</b>
<b>ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПЕСЕН В ПРЕПОДАВАНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ</b> АБДУРАХМАНОВА ДИЛБАРХОН АБДУЛЛАХАМИДОВНА	<b>343-347</b>
<b>ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР</b> ҚОДИРОВА ФЕРУЗАХОН УСМАНОВНА	<b>348-352</b>